“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазири в.в.б
____________А.Муминов
“___” январь 2022 йил

# Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш дастури

| № | Коррупциявий хавф-хатари мавжуд бўлинма | Коррупциявий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Транспорт вазирлигининг ҳудудий транспорт бўлинмалари | Ваколатли органнинг масъул ходими ҳақиқийлигини ўрганишдан олдин тендернинг барча иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимига киритиш;<br>Тендер иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ваколатли орган масъул ходимлари келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганишда иштирок этишга йўл қўймаслик;<br>Таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнини очиқ ва шаффоф ташкил этиш мақсадида бошқа ташувчилар кузатувчи сифатида иштирок этишига йўл қўйиш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади. | 2022 йил давомида | Транспорт вазирлигининг ҳудудий транспорт бўлинмалари раҳбарлари |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Лицензиялаш ва рухсат берувчи хужаатлар бошқармаси | Расмийлаштирилган рухсатнома бланкаларини вазирликка келиб олиб кетишни чеклаш. | Расмийлаштирилган рухсатнома бланкаларини почта хизматлари орқали юбориш бўйича почта хизматлари билан шартнома имзолаш.<br>Расмийлаштирилган рухсатнома бланкаларини Қорағалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган барча миллий ташувчиларга фақт почта хизматлари орқали юбориш. | 2022 йил давомида | Лицензиялаш ва рухсат берувчи хужаатлар бошқармаси бошлиғи Ю.Бабаджанов |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Лицензиялаш ва рухсат берувчи хужаатлар бошқармаси | Расмийлаштирилган лизинг шартномаларини ягона реестрини жорий этиш.<br>Автотранспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтганлигини тизимда автоматик тарзда текшириш. | Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси ва маънфатдор вазирликлар билан биргаликда лизинг шартномаларининг ягона реестирини яратиш ва транспорт вазирлигининг “ЯИМТ(ЕИИС)” интеграция қилиш.<br>ИИВ ДЙҲХХ техник кўрик базасидан “ЯИМТ(ЕИИС)”га келадиган маълумотларни автомат равишда текшириш функсионалини яратиш.<br>Лицензия ва лицензия варақаларини расмийлаштирилишини Транспорт вазирлигининг марказий аппаратининг ўзида марказлашган холда ташкиллаштириш. | 2022 йил давомида | Лицензиялаш ва рухсат берувчи хужаатлар бошқармаси бошлиғи Ю.Бабаджанов |
| 4. | Темир йўл транспортидаги авария ва ҳалокатларни текшириш бошқармаси | Бошқармага тегишли норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларнинг коррупция элементлари мавжудлигини текшириб бориш | Бошқармага тегишли норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларни коррупция элементлари мавжудлигига текшириш.<br>Текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш. | 2022 йил давомида | Темир йўл транспортидаги авария ва ҳалокатларни текшириш бошқармаси С.Ахборхонов |
| | Темир йўл транспортидаги авария ва ҳалокатларни текшириш бошқармаси | Темир йўл транспортида авария ва ҳалокатларни олдини олиш ҳамда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги ҳолатлари ишлари устидан назоратни кучайтириш. | Хизмат текшируви холислик билан амалга ошириш.<br>Хизмат текшируви давомида йиғилган ҳужжат ва маълумотларни амалдаги ҳолатга мувофиқлигини текшириш.<br>Хизмат текшируви давомида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги бузилиши ҳолатларни тўғри таснифланишибўйича тизимли назорат қилиш. | 2022 йил давомида | Темир йўл транспортидаги авария ва ҳалокатларни текшириш бошқармаси С.Ахборхонов |
| 5. | Автомобиль ташувларини назорат қилиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармалар | Вазирлик томонидан ҳудудий бошқарма инспекторларини планшет махсус қурилмалар билан тўлиқ таъминлаш;<br>Бугун кунда электрон шаклда маъмурий баённомаларни расмийлаштириш ва тегишли суд органларига расмийлаштирилган элетрон шаклдаги маъмурий баённомаларни электрон | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 ноябрадаги ЎРҚ-734-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон | 2022 йил давомида | Автомобиль ташувларини назорат қилиш бошқармаси, ҳудудий бошқарма бошлиқлари, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тартибда жўнатишларга йўлга қўйиш;<br>Тадбирколик субъектларни текшириш вақтида аниқланган ҳолатлар батафсил далолатномада акс эттириб ўрнатилган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим қилиш. | буйруғи ҳамда вазирликнинг 2021 йил 5 ноябрдаги 212-сонли буйруқлар асосида мукаммаллаштириб бориш. | | автомобиль ташувларини назорат қилиш бўлим бошлиқлари |
| 6. | Инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2021 йил 1 апрелдаги “Ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 69-сон буйруғи билан тасдиқланган Тартибга асосан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг барча ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига ишга қабул қилиш жараёни Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда очиқ танлов асосида амалга оширилади. | Ишга қабул қилиш ва ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш бўйича танлов қуйидаги босқичлар асосида ташкил этилади:<br>биринчи босқич - танлов ўтказилиши тўғрисида эълон бериш;<br>иккинчи босқич - номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва саралаш;<br>учинчи босқич - номзодларни тест синовларидан ўтказиш;<br>туртинчи босқич - номзодлар билан суҳбат ўтказиш. | 2022 йил давомида | Инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси Р.Хакимов |
| 7. | Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш сектори | Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш | transfer.edu.uz тизимини кенгайтириш ва соддалаштириш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигига таклифлар киритиш<br>Олиб борилаётган ислохотларни инобатга олган ҳолда норматив-меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигига таклифлар тақдим этиш | 2022 йил давомида | Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш сектори Л.Улмасова |
| 8. | Авиация ҳодисалари ва можароларини текшириш бошқармаси | Бошқармага тегишли норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларнинг коррупция элементлари мавжудлигини текшириб бориш | Бошқармага тегишли норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларни коррупция элементлари мавжудлигига текшириш.<br>Текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш. | 2022 йил давомида | Авиация ҳодисалари ва можароларини текшириш бошқармаси бошлиғи А.Ахмедов |